

## ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЎҚУВЧИЛАРНИ РУХИЙ БАРКАМОЛ ИНСОН СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИ

Имомназарова Гуласал

ФарДУ магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7272996>

**Аннотация.** Уибу мақола мусиқа воситаси орқали имконияти чекланган ёки ривожланишида ортда қолган ўқувчилар онгидан ҳаётга бўлган қизиқиши ва мақсадли ёндашувни юзага келтириши, уларда миллий онг ва кенг дунёқарашини таркиб топтириши, шу билан бирга иродада ҳамда кучли руҳиятни шакллантириши масалалари ҳақида. Мақолада имконияти чекланган ўқувчилар ва уларнинг истеъододини намоён этиши ва руҳий баркамол инсонни тарбиялаши услублари ҳам ёритилади.

**Калим сўзлар:** Баркамол инсон, инклузив таълим, маҳсус педагогика, интеграция, логопедия.

## ВОПРОС ВОСПИТАНИЯ СТУДЕНТОВ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ КАК ПСИХИЧЕСКИ ЦЕЛОСТНЫХ ЧЕЛОВЕК

**Аннотация.** В статье речь идет о формировании интереса и целеустремленного отношения к жизни в сознании учащихся с ограниченными возможностями или задержкой развития средствами музыки, формировании у них национального самосознания и широкого мировоззрения, и в то же время формирования воли и сильный дух. В статье также рассматриваются учащиеся с ограниченными возможностями здоровья и способы проявления своего таланта и воспитания психически зрелой личности.

**Ключевые слова:** Целостная личность, инклюзивное образование, специальная педагогика, интеграция, логопедия.

## THE ISSUE OF EDUCATION OF STUDENTS WITH DISABILITIES AS MENTALLY COMPLETE HUMANS

**Abstract.** This article is about creating interest and a purposeful approach to life in the minds of students with limited or developmental disabilities through the medium of music, forming a national consciousness and a broad worldview in them, and at the same time forming a will and a strong spirit. The article also covers students with disabilities and ways to show their talent and raise a mentally mature person.

**Key words:** Complete person, inclusive education, special pedagogy, integration, speech therapy.

## КИРИШ

Бугунги кунда баркамол авлод ҳамда имконияти чекланган болаларни интеллектуал маданияти ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар мутафаккирлар томонидан ўрганилган бўлса-да, бу борадаги кўрсатмалар етарлича деб бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биланман. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир”.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ “Баркамол инсон” масаласига катта эътибор бераб келинаётганлиги сир эмас. Жамият маънавий ҳаётини

соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига юксак муносабатда бўлиш, бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида, жумладан, “Баркамол инсон” – келажак пойдевори асарида таъкидлаб ўтганидек, “Зеро, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгини иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгидаги нечоғлик чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”.

Илмий-услубий кўрсатмада баркамол инсон ҳамда имконияти чекланган болаларни тарбиялаш ва унинг маънавий омиллари масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, унинг моҳияти, мазмuni ва функцияларини кенг таҳлил қилинган. Шунингдек, хозирги кун талаби масаланинг айнан шу жиҳатларига эътиборни қаратишни тақозо қиласди. Қуйида биз ана шу масалаларни имконият даражасида тавсиф ва таҳлил этишга ҳаракат қиласдик.

Баркамол инсонни тарбиялаш ва шакллантириш масалалари тадқиқ қилинганда, дастлаб “Баркамол авлод” тушунчаси, мазмуни билан боғлиқ бўлган айрим назарий масалаларга эътибор қаратиш зарур.

## МЕТОД ВА МЕТОЛОГИЯСИ

“Баркамол инсон” – ақлан етук, маънан бой, ширинсўз, инсонпарвар, ўзига талабчан, камсуқум, эпчиллик, донолик каби ҳислатларни ўзида жамлагани ҳолда, ўз тарихи, ўз ҳалқи ўтмиши ҳақида муайян тушунчага эга бўлган инсондир. Имкониятлари чекланган ўқувчиларда асосан жисмоний ҳолат номукаммал шаклланган бўлиб, уларда эпчиллик, ўзига ишонч ва довюраклик ҳислатлари кузатилмайди. Лекин, ақлий фаоллик, хотира, эшитиш ва қалбан ҳис этиш сезгилари яхши ривожланган бўлади. Айниқса, мусиқа, тасвирий санъат соҳалари доирасида фавқулотда кучли истеъододли ёшлар кўп учрайди. Қайсиdir ижтимоий соҳага кучли мойиллиги бор ўқувчиларни пайқаб олиш, уларга алоҳида қўллаб-қувватлаш орқали манзилли ёндашиш ҳар қандай педагогтарбиячининг вазифасидир. Зеро, бутунжаҳон болаларига хос бўлган болалар ҳуқуқи ҳақида Конвенсия, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш миллий дастури” каби ва бошқа меъёрий хужжатларда кўрсатилишича, барча болалар, шу жумладан, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ҳам меҳнат қилиш, таълим олиш, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Имконияти чекланган болаларга ўзига хос ёндашув талаб этилиб, бунда Махсус педагогика фани бирламчи дастак васифасини ўтайди. Бола ривожланишидаги нуқсонлар ҳар хил бўлади, уларнинг баъзилари батамом бартараф этилади, баъзилари бир қадар тузатилади, коррексияланади, билинмайдиган ҳолга келтирилади, бошқалари эса компенсатсияланади. Масалан, бола нутқида оғир нуқсон бўлса, илк ёнда тўғри ташкил этилган логопедик чора-тадбирлар таъсирида уни тўлиқ бартараф этиш мумкин. Масала шундаки, ўсиб келаётган ёш авлодни аввало соғломлаштириш ва бу йўлда барча имкониятларни ишга солиш талаб этилади. Агар нуқсонлар бартараф этиб бўлмас даражада бўлса, ана ундан сўнг боланинг мойиллигига кўра ёндашув, санъат, маданият соҳаларига қизиқтириш орқали ўзига ва ҳаётга бўлган қизиқишини орттириш мумкин.

Махсус педагогика фанининг мақсади – ривожланишида нуқсони бўлган болалар ижтимоийлашуви, ижтимоий адаптатсияси ва реабилитатсиясини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни ўрганиш, улардаги психофизиологик камчиликларни иложи борича эртароқ ташхис қўйиб, бартараф этиш, тузатиш ёки билинмайдиган ҳолга келтириш усулларини белгилаш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат. Боладаги нуқсон марказий нерв системасидаги органик камчиликлар натижасида пайдо бўлган бўлса (масалан, ақли заифлик шундай нуқсон жумласига киради), уни тўлиқ бартараф этиб бўлмаса ҳам, бироқ камайтириш, кўзга кўринмайдиган, сезилмайдиган даражагача тузатиш мумкин. Махсус педагогика амалиётида яна шундай тоифадаги алоҳида ёрдамга муҳтож болалар кузатиладики, улардаги нуқсонни тузатиб ҳам, коррексиялаб ҳам бўлмайди, масалан, туғма кўрлик ёки карликнинг айрим турлари шулар жумласидандир. Бунда кўриш анализаторининг вазифасини сезги органларига, ешитиш анализаторининг вазифасини эса кўриш анализаторига юклаш, яъни компенсатсиялаш, ўрнини босиш мумкин. Кўриш қобилияти заиф болалар сезги органларига таянган ҳолда бармоқлари билан Брайл шрифтидан фойдаланадилар. Бунда ҳарф олти нуқта комбинатсияси билан белгиланади. Эшитиш қобилиятида муаммоси бўлган болалар эса имоишора, дактил нутқдан, бармоқлар харакати билан англатиладиган нутқдан фойдаланишлари мумкин. “Коррекцион педагогика фанининг ривожланиши натижасида ундан қуидаги тармоқлари мустақил фан сифатида ажралиб чиқди:

- сурдопедагогика (лотинча сурдус – кар, гунг сўзидан олинган) ешитишида нуқсони бўлган болаларнинг таълим тарбияси билан шуғулланадиган фан;
- тифлопедагогика (юононча тифлос – кўр, сўқир сўзидан олинган) – кўзи ожиз болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан;
- олигофренопедагогика (юононча олигос – кам, френ – ақл), сўзларидан олинган, – ақлий томондан заиф болаларнинг таълим-тарбияси билан шуғулланадиган фан;
- логопедия (юононча логос – сўз, падео – тарбия сўзларидан олинган) – оғир нуқ нуқсонларини ўрганиш, олдини олиш, бартараф этиш йўллари, усулларини ўрганадиган фан”.

## ТАДҚИҚОД НАТИЖАСИ

Республикамизнинг барча вилоятларида замон талабларига мувофиқ алоҳида ёрдамга муҳтож болаларнинг дифференциал ва интегратсиялашган, инклузив таълими барча йўналишлар бўйича жадал сураътлар билан ривожланмоқда.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўқрисида”ги Қонунга риоя етилишини таъминлаш учун узлуксиз таълим тизимида фаолият юритувчи барча мутахассислар алоҳида ёрдамга муҳтож кишилар ҳақида тушунчага эга бўлиб, уларга таълим-тарбия жараёнида қулай шартшароитлар яратиб, керак бўлса, индивидуаллашган дастурлар асосида интегратсиялашган инклузив шароитда меъёрда ривожланган тенгдошлари орасида ҳамма қатори таълим олиш имкониятларини ёки махсус муассасаларда таълим олишига ёрдам бериши зарур. Бунинг учун ҳар бир педагог коррекцион педагогика фанининг асосларини егаллаган бўлиши керак.

Инклузив таълим бу – давлат сиёсати бўлиб, ногирон ва соглом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болаларни ривожланишидаги нуқсонлари ёки иқтисодий қийинчиликларидан қатъий назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умумтаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи

таълим тизимиdir. Мактаблар жисмоний, ақлий, ижтимоий, эмотсионал, тилидаги ёки бошқа нуқсонларидан қатъий назар ҳамма болаларни қабул қилиши керак. Уларга рухий ва жисмоний нуқсони бор болалар, бошпанасиз болалар, кўчманчи халқларга тегишли бўлган болалар, этник ёки маданий камчиликни ташкил этган оиласарнинг болалари киради.

Инклузив таълим вазифалари: - Таълим муассасасида таълимда алоҳида эҳтиёжи бўлган имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарур психолого – педагогик, коррексион шароитлар яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррексион ишларни амалга ошириш орқали рухий ривожланишини, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;

- Махсус таълим муассасаси ўқувчиларини умумтаълим мактаблари билан уйғунлаштирган ҳолда фаолият олиб бориш йўли билан ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;

- Жамиятнинг ва оиласарнинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиш, боланинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;

Имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оиласардан ажralмаган ҳолда яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш;

- Жамиятда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга муқобил муносабатни шакллантиришдир.

Инклузив таълимга киритишнинг асосий тамойиллари:

- 1). Инклузив таълимнинг эътироф этилиши.
- 2). Инклузив таълимнинг барча учун очиқ бўлиши тамойили.
- 3). Боғланишнинг мавжуд бўлиши тамойили.
- 4). Марказлаштирилмаган бўлиш тамойили.
- 5). Инклузив таълимда комплекс ёндашиш тамойили.
- 6). Инклузив таълимда мослашувчанлик тамойили.
- 7). Малакавийлик тамойили.

“Интегратсия” тушунчаси инглиз тилидан олинган бўлиб, интегративе – қўшилувчи, бирлашувчи, интеграцион – қўшилиш, бирлашиш деган манони билдиради. Волферен Бергернинг ёзишича: “Интегратсион таълим бу –сегрегасон таълимнинг акси бўлиб, бунда махсус еҳтиёжга эга болалар умумтаълим муассасалари тизимиغا киритилади”. Интегратсия кенг, маънода ижтимоий интегратсия ёки жамиятга интегратсия ва педагогик интегратсия ёки таълимга интегратсияни ўз ичига олади. Ижтимоий интегратсия – ривожланишида нуқсони бўлган болани ижтимоий муносабатлар ва хатти- харакатларнинг умумий тизимига ижтимоий адаптациясидир. Ногирон болани жамиятга интегратсияси муаммоси бир томондан, психик ва жисмоний ривожланиш камчиликларини мавжудлиги билан, иккинчи томондан ижтимоий муносабатлар тизимини мукаммал эмаслиги, яъни баъзи талабларини маълум даражада кескинлиги ҳаёт фаолияти чекланган бола учун ўта олмайдиган тўсиққа айланиши билан ифодаланади. Ногиронларни жамиятга интегратсиясининг икки ёндашуви мавжуд. Биринчи ёндашув ногиронни жамиятга интегратсиясини мавжуд атроф-муҳит шарт-шароитларга мослашишини назарда тутади. Албатта, мазкур ёндашув бир томонлама ва жуда тордир. Иккинчи ёндашув ногиронни жамиятга киришга тайёрлаш ва жамиятни

ногирон болани қабул қилишга тайёрлашни назарда тутади. Ногиронни жамиятга киришга тайёрлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган бўлсада, жамиятни ногирон болани қабул қилишга тайёрлаш бўйича ишлар энди муҳокама қилинмоқда. Т.В.Фуряйева болалар интегратсиясининг тўрт турини (жисмоний, функсионал, ижтимоий ва ижтимоий-этал) ажратиб кўрсатган.

Жисмоний интегратсия – болаларни бир бинода фаолият кўрсатиши. Муаллифнинг таъкидлашича, интегратсиянинг бу тури болалар дунёлари орасидаги масофани қисқартиришнинг бошланғич давридир. Функционал ва ижтимоий интегратсия учун предмет-фазовий бирлашув хосдир. У предметли муносабатлар, шахслараро алоқалар, мулоқотни ташкил этиш орқали амалга оширилади. Ижтимоий-этал интегратсия ижтимоий масофаларни тўлиқ қисқариб кетиши, фаолиятдаги тенгхуқуқли ҳамкорлик, субект-субект муносабатларини назарда тутади.

Ижтимоий адаптатсия – ўзгарувчан ҳаёт шароитларига инсонни мослашиб қобилияти бўлиб, у ижтимоийлашув ва интегратсиянинг муҳим механизмидир. Ижтимоий адаптатсия турли фаолиятлар (ўйин, мулоқот, ўқиш, меҳнат) ва инсонни ўзини англаш жараёнида амалга ошади. Мазкур фаолият турлари бир вақтнинг ўзида ҳаётнинг турли босқичларида адаптатсия воситалари, мақсадлари ва натижалари сифатида хизмат қиласди.

Хориждаги ривожланган давлатларда ногирон болалар билан ишлаш бўйича маълум меъёрлари, шакллари ва методлари шаклланиб бўлган. Табиий-ки, ҳар бир мамлакатда аҳолининг мазкур категориясига ёрдам кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар миллий хусусиятлар, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар, психологикпедагогик анъаналар, маълум илмий ёндашувларга мўлжалланганлиги кабилар асосида шаклланади. Шу билан бирга мазкур болаларга ёрдам кўрсатишда инобатга олиш шарт бўлган бир неча умумий тенденсияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, имкониятлари чекланган болани ижтимоий ҳаётга (шу билан бирга таълим-тарбияга) имкон қадар максимал даражада интегратсиялаш.

Иккинчидан, мазкур болаларни оилада тарбиялашнинг устуворлиги.

Учинчидан, камчиликларни эрта ташхис этиш ва даволашга йўналганлик.

Тўртинчидан, ҳар бир конкрет ҳолатда болани реабилитатсияси ва абилитатсиясига индивидуал ёндашиш. Ҳозирда мазкур тенденсияларни инобатга оловчи бир қатор дастурлар яратилмоқда, ишлаб чиқилмоқда. Мазкур дастурлардан бири БМТ томонидан таклиф этилган – бевосита атрофдагиларга таянган ҳолдаги Реабилитация (Реабилитация, базирующаяся на непосредственном окружении) (БАТР) дастури бўлиб, у “барча ногиронларни реабилитатсияси, имкониятларини тенглаштириш ва ижтимоий интегратсияси мақсадида амалга ошириувчи жамият ривожланиши стратегиясидир. Унинг мақсадлари: мазкур соҳадаги ахволни ўзгартириш, давлат ва жамиятни жалб этган ҳолда таълимий ишлар олиб бориш, барча ёрдамга муҳтож ногиронларга ёрдам кўрсата оладиган тизимни ишлаб чиқиши”. БАТРнинг мазмуни - ногирон, унинг оиласи ва бевосита атрофдагилари баъзи асосий реабилитатсион малакаларни ўзлаштирган ҳолда реабилитатсияни мустақил равишда амалга ошира олишлари мумкинлигидан иборат. Албатта, бу жараён давомида уларга соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий таъминот ва ижтимоий муҳофаза соҳаларининг мос муассасалари ёрдам кўрсатади.

АҚШда мазкур соҳада “Инклюжен” дастури фаолият кўрсатади. Унинг асосини “Реабилитацион Акт” (№ 93-112 қонун, 1973й.) ва ногирон болаларга таълим-тарбия

бериш қонуни (1974-1975й.) ташкил етиб, вақт ўтиши билан уларга бир қатор ўзгариш ва құшымчалар киритилган. XX асрнинг 80 йилларига келиб АҚШда ногирон инсонларни турли категориялари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда янги биноларни қуриш ва эски биноларни қайта таъмирлаш ишлари бошланди. Бу мақсадда давлат томонидан құшымча иқтисодий маблағлар ажратилған ва шу билан бирга қабул қилинған стандартларни бузишга кескин чоралар қўрила бошлаган. Фуқароларда ногиронларга нисбатан муносабатни ўзгартириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали психолог ва бошқа мутахассислар томонидан биргаликда ишлаб чиқилған компаниялар ўтказилган. Мазкур чора-тадбирлар мажмусини амалга оширишда диний ташкилотлар ҳам муҳим рол ўйнаган.

## МУХОКАМА

Натижада ногирон инсонлар жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларида иштирок эта олиш имкониятига эга бўлишди ва шу билан бирга соғлом одамлар уларга бошқа кўз билан қарай бошладилар. Мамлакатнинг кўпгина жойларида ногиронлар учун ижтимоий ташкилотлар, клублар ва турли хил фонdlар пайдо бўла бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, АҚШда маҳсус эҳтиёжларга эга инсонга қонун томонидан белгиланган хизматларнинг аксарият қисмини мунитсипалитет томонидан тақдим этилган молиявий маблағ евазига маҳсус фонdlар ва ташкилотлар амалга оширади. Таълимдаги интегратсияни амалга оширишда эса дастурларни ишлаб чиқишида, ишчиларни тайёрлашда, соғлом болалар ва ногирон болаларни ўзаро бир-бирини қабул қилишини психологик моделини ишлаб чиқишида қийинчиликларга дуч келинди. “Инклюжен” модели, ҳаттоқи, Даун синдромли бола ҳам соғлом болалар билан таълим олиш имкониятига эга бўлишини назарда тутади. Албатта, бундай бола учун алоҳида дастур, ўзига хос осонлаштирилган топшириклар ишлаб чиқилиб, дастурни самарали амалга ошиши кўп томондан ўқитувчига боғлиқ. Мазкур моделни қўллаб-куватлаш мақсадида имкониятлари чекланган болаларни ўқитишдаги самарадорлик ҳақида бир неча кинофайлар расмга олинган. Бироқ, шу билан бирга АҚШда маҳсус мактаблардан ҳам бутунлай воз кечилмаган бўлиб, болани у ерга жойлаштириш фақат энг охирги чора ҳисобланади. Қўшма Штатлардаги ижтимоий таъминот ҳақида тўхталар эканмиз, у ерда ижтимоий хизмат ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, нафақа ва компенсатсиялар тўлови, яшаш шароитларини ногиронлар учун жиҳозлаш ва таълим-тарбия муассасаларига элтиш кабилар таъминланади. Уйда амалга ошириладиган хизматлар каби ижтимоий хизмат турлари ҳам қўлланади Демак, АҚШда ногирон инсон ҳаётини барча жабхаларини қамраб олувчи, уни максимал тарзда жамиятга интегратсияси имкониятини яратувчи ҳамда бундай инсонларни жамият томонидан қабул қилинишини таъминловчи имконияти чекланган инсонларга ёрдам кўрсатувчи бир бутун тизим фаолият кўрсатади. Буюк Британияда ногирон инсонларга З турдаги муассасалар: Маълум тўлов асосида ғамхўрликни амалга оширувчи хусусий уй эгалари, ижтимоий муассасалар ва ижтимоий хизматларни катта қисмини таъминлаб берувчи маҳаллий ҳокимият. Ижтимоий хизмат бўлимлари уйда, кундузги марказларда, интернат ёки кундузги мактабларда ёрдам кўрсатади. Мазкур муассасаларда интеллектуал камчиликларга эга болалар билан ишлашда катта аҳамият мулоқот малакаларини, кўчада, одамлар орасида хулқатвор қоидаларини ўргатишга берилиб, бунинг учун маҳсус сайрлар уюштирилади. Ақли заиф ўсмиirlар учун касбий тайёрлов марказлари фаолият кўрсатади. Касалхоналарда ногирон

ва касал болалар учун маҳсус меҳнат терапияси бўйимлари ташкил этилади. Педиатрия соҳасидаги меҳнат терапевтларининг мақсади: “кундалик ҳаётда болаларда жисмоний, психик ва ижтимоий соҳалардаги оптималь даражадаги мустақилликни ривожлантиришдир”.

Буюк Британиядаги ижтимоий хизматлар департаментининг ижтимоий ишчиси ногирон ва уни оиласининг шахсий ишлари бўйича маслаҳат, қаўллаб-қувватлаш ва тавсиялар бериш кўринишида ёрдам бериши, ногирон ва уни оиласи билан келишилган ҳолда индивидуал реабилитатсия дастурини тузишга кўмаклашиши, ногиронни меъёрий, кизиқарли маънавий ҳаётини ташкил этади. Департамент зарур ускуналарни вактича тақдим этиши, дотатсия ажратиши, телефон ва бошқа алоқа воситалари ёрдамида ёрдам кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга Буюк Британияда ногирон буюртмаси асосида исталган ускунани тақдим эта оладиган хусусий реабилитатсион корхоналар ҳам мавжуд.

## ХУЛОСА

Имконияти чекланган болаларга таълим-тарбия бериш соҳасида еса таълимга интеграция ва маҳсус мактабларни мавжудлиги икки ўзаро параллел зарурий шартлар ҳисобланади. Мазкур икки шарт таълимтарбия тизимини мослашувчанлиги ва тартибини таъминлаган ҳолда бу болаларни эҳтиёжларини ўзгаргани сари унга қўшилиш ёки узоқлашиш имкониятини яратади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўринадики, имконияти чекланган болаларга алоҳида этибор берилмоқда ва бу ўз натижасини кўрсатади. Мамлакатимизда ҳам ёш авлодга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилигани ва айниқса имконияти чекланган болалар қалбида ҳаётга, ватанга муҳаббат уйғотиб, келажакка бўлган ишонч, яшашдан мақсад тушунчаларини шакллантириш каби вазифаларни амалга оширишга доир ҳаракатлар жадаллашмоқда. Бу ҳам ватанимиз келажагининг Янги Ўзбекистоннинг эртанги куни – равнақи учун ташланган қадамлардан бири бўлади деган умиддамиз.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: 2018. Б- 194.
2. Каримов И.А. Келажакни жасоратли одамлар қуради. “Халқ сўзи” газетаси 1999, 17-феврал.
3. А.Камбаров, М.Нажметдинова. Баркамол инсонни тарбиялаш - давр талаби. Фарғона 2019 йил. 11-бет.
4. Хамирова М.У. Маҳсус педагогика. Тошкент 2018 йил. 5-бет.
5. Смирнова Е.Р. Тolerантность как принцип отношения к детям с ограниченными возможностями. //Вестник психосоциальной и оррекционно-реабилитационной работы. № 2. 1997 г. Ст. 182.